

## Талабаларга талаблар

Кеча институтимиз ректори ТИҚХМИИнинг Ўқув илмий Марказида бўлиб, Геодезия ўқув амалиётини ўтаётган ЕРБ факультети 2-курс талабалари билан учрашди. Ректор талабалар билан суҳбатда амалиёт давридаги яратилган шароитлар, уларнинг амалиётдан олган билим ва кўникмалари ҳақида гаплашдилар. Талабаларга Президентимизнинг бешта ташаббуслари, уларни ёшлар орасида тарғиб қилишнинг мазмун ва моҳияти ҳақида тушунтириб бердилар. Амалиёт даврида талабалар орасида ўтказилган спорт ҳафталиги мусобақалари натижалари буйича, жумладан, Футбол, Волейбол, Шахмат ва Шашка бўйича ўтказилган мусобақалар ғолибларини тақдирладилар.



**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**